
Байрам арафасида Фурқат туманидаги

Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги байрами арафасида туманимиздаги “Ингичка” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Тантанали тадбирларда туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов, секторлар раҳбарлари, маҳалла ва жамоат фаоллари, нурунийлар иштирок этдилар.

Нуруний отахонлар иштирокида рамзий боғичлар қирқилиб, тадбир иштирокчилари бино ичкарасига таклиф этилди. Янги биноларда маҳалла аҳолиси ва маҳалла ходимлари учун барча қулайликлар яратилган.

Замон талабларига мос тарзда жиҳозланган мазкур бинода маҳалла "бешлиги" учун алоҳида хоналар ва мажлислар зали мавжуд бўлиб, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди жамғармаси томонидан янги қуриб битказилган маҳалла биноси учун мебель жиҳозлари билан таъминланган.

Янги бинонинг очилишига бағишланган тадбирларда туман Маданият ва туризм бўлими ходимлари ҳамда иқтидорли ёшларнинг куй-қўшиқ ҳамда рақслари иштирокчиларни хушнуд этди.

2023-08-26 17:28:15